

МЎЙНАЛИ КИЙИМЛАРНИ ШАКЛ ҲОСИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

Холиқова Нигора Шухратовна

Бухоро муҳандислик-технология институти

таянч докторанти

Аннотация: *Ушбу мақолада Республикамизда бозор алоқаларини шаклланишида табиий чармлар ишлаб чиқариш саноатида маҳсулотни бозорга рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш ҳозирги куннинг асосий муаммоларидан бири эканлиги ва маҳаллий хомашё ҳисобланган қоракўл теридан тикилган кийимларини тайёрлашда инобатга олиниши керак бўлган тери тукли қатламининг тадқиқ этилиши тўғрисида.*

Калит сўзлар: *Қоракўл , тери, ассортимент, лойиҳалаш, истеъмолчи, тикувчилар , технологлар, дизайнерлар. комбинация , ишлаб чиқариш , истемолчи , технология.*

Аннотация: *В данной статье при формировании рыночных отношений в нашей Республике повышение конкурентоспособности и качества продукции в отрасли производства натурального меха является одной из основных проблем современности, а также об исследованиях мехового слоя кожи, что следует учитывать при изготовлении одежды из кожи черного козла, считающейся местным сырьем.*

Ключевые слова: *Каракуль, кожа, ассортимент, дизайн, потребитель, портные, технологи, дизайнеры. сочетание, производство, потребитель, технология.*

Annotation: *In this article, in the formation of market relations in our Republic, increasing the competitiveness and quality of products in the natural fur industry is one of the main problems of our time, as well as research on the fur layer of the skin, which should be taken into account when making clothes from black goat skin, which is considered a local raw material.*

Keywords: *Karakul, leather, assortment, design, consumer, tailors, technologists, designers. combination, production, consumer, technology.*

Дуне миқёсида азалдан табиий мўйнадан тайёрланган кийимлар энгил саноат маҳсулотлари бозорида доимий равишда талабга эга бўлиб, улар нафақат ҳашаматли кийим атрибути вазифасини, балки совуқдан ҳимоя қилиш зарурати функциясини ҳам бажариб келмоқда [83]. Мода ривожланиши йўналишлари ҳақидаги ахборот жаҳонда тезкорлик билан оммавийлашиши сабабли маҳаллий мўйнали кийим-кечак ишлаб чиқарадиган корхоналар стратегияси ҳам ўзгарди. Маҳаллий дизайнерлар жаҳон мўйнали кийимлар дизайни тажрибасидан фойдаланган ҳолда ўз корхоналари мўйна

маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси ва технологиясини ишлаб чиқишига имкон яратилди. Бугунги кунда жаҳон мўйнали маҳсулотларининг асосий тенденцияларини оммалаштириш, мўйна турлари, кийим ассортименти ва нархлари бўйича истеъмолчилар имтиёзларини ўрганиш корхоналарнинг маркетинг режасининг асосини ташкил этади [84].


Замонавий мўйнали кийимларнинг услубий ечими маҳсулот ҳажмий фазовий шаклини ва силуэтини шакллантиради. Маълумки, ҳар қандай материал турининг мураккаб сиртини конструктив чизиқларсиз, яъни текис деталларга бўлмасдан жойлаштириш имкони мавжуд эмас. Табиий мўйнали кийимларда конструктив ва конструктив -декоратив чизиқларининг шакли ва йўналиши терининг турига, ўлчамларига, мода ва тренд тавсияларига боғлиқ [85].

Маҳсулот шакли – бу мураккаб конфигурациянинг жойлаштирилмайдиган сиртлари тўпламидир. Кийимнинг асос қисми одамнинг тана кўринишига мос равишда ёпишиб туриб, унинг танаси шаклини кайтаради. Кийим асосининг пастки қисми инсон танасининг шаклини аниқ такрорламайди ёки ундан фарқ қилиши мумкин.

Либос дизайнерлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг вазифаси текис материаллардан мураккаб кенг ҳажмли шаклга эга кийимларни яратишдир. Шакл ҳосил қилиш хусусияти асосан бошланғич материалларнинг хусусиятларига боғлиқ [81].

Мўйнали кийим деталларида шакл ҳосил қилиш тери чала маҳсулотига конструктив, механик, физик-кимёвий таъсир йўллари билан амалга оширилиши мумкин. Таъсир турларига мувофиқ, шакллантиришнинг 3 та усулини ажратиш мумкин (1.4-расм) [82]:

- конструктив (кийимнинг сиртини қисмларга, яъни қисмларга ажратиш ёрдамида) – ярим тайёр маҳсулотга механик таъсир;
- матонинг ҳаракатланувчи конструкциясининг хусусиятларидан фойдаланган ҳолда тикув материалларининг “қўпол” тузилишига таъсир қилиш усули – ярим тайёр маҳсулотга физик ва механик таъсир;
- тикув материалларининг “ингичка” ёки молекуляр тузилишига таъсир қилиш усули - ярим тайёр маҳсулотга физик-кимёвий таъсир кўрсатиш.



1-4 - расм. Тикув материаллардан кийим деталларини шакллантиришнинг замонавий саноат усуллариинг таснифи

Табиий мўйна терисининг хусусиятлари кийим ишлаб чиқаришнинг ўзига хослигини, шакл ҳосил қилишда нам-иссиқлик билан ишлов бериш операцияларининг қўллаш мумкин эмаслиги билан тавсифланади. Мўйнали кийимлардаги чоклар конфигурацияси, йўналиши ва деталлар сони мўйна турига, тукларнинг баландлигига, мўйнали полуфабрикат ўлчамлари ва кийим дизайни билан белгиланади [86].

Мўйнали кийимларда шакл ҳосил қилиш усуллари ҳақидаги маълумотлар тери тўқимаси ва табиий мўйнанинг тукларининг хусусиятларини ўрганишга таянади.

Бугунги кунда табиий мўйнали маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва мўйна териларининг ўлчамларини ўзгартириш турли усуллари технологиялари ишлаб чиқилган бўлиб, улар кийимлаги деталлар сони ва шакли, бичиш усуллари, деталларни бириктириш усуллари белгилайди [87].

Қорақўлча, норка, нутрия каби юмшоқ мўйнали кийимларда шакл ҳосил қилишнинг асосий воситаси сифатида чокларни бемалол қўллаган ҳолда конструктив моделлашнинг конуссимон ёки параллел кенгайтириш усулларида фойдаланишга имкон беради.

Замонавий мўйнали кийим моделларида силуэт шаклини ҳосил қилишда нафақат конструктив чоклар ёрдамида, балки турли хил мўйналар комбинацисини қўллаш йўли билан ҳам эришиш мумкин. Қисқа тукли ва баланд тукли мўйналарни ҳамоҳанглиги мўйнали кийимнинг керакли шаклини ҳосил қилиш имконини беради.

Мўйнали кийимларнинг замонавий моделларида силуэт шаклининг ечимини танлаш мўйна терисининг пластикаси ва тукларининг эгиловчанлигига асосланади. Мўйнали кийимлар ассортиментининг кенгайтириши: пончо, пиджаклар, пелериналар, суртуклар, енгсиз нимчалар ва кўйлақларни нафақат қишда, балки кечки башанг кийим сифатида кузда ва баҳор фаслларида ҳам ишлатишга имкон беради. Шунинг учун, янги шакл барқарорлигини таъминлаш усуллари ишлаб чиқиш зарурати юзага келади. Мўйнали кийимдаги шаклни маҳкамлашнинг анъанавий воситалари сифатида юпка ёпишқоқ ва ёпишқоқ бўлмаган оралик материалларини қўллаш ҳисобланади. Мўйнали маҳсулотларнинг ички қисмларида ёпишқоқ оралик материалларидан фойдаланиш, мўйнани эркин осилиб турган ҳолатида драпировкалар ҳосил қилиш хусусиятини тубдан ўзгартиради, бу эса силуэт шаклларини ҳосил қилиш диапазоннинг чекловига олиб келади [88,89].

Ёпишқоқ оралик материалларига паст ва юқори ҳарорат ва намликни, узок муддатли фойдаланиш, кимевий тозалашни салбий таъсирида мўйна терисининг узунлиги ва кенглиги бўйича чўзилишига олиб келади ва буни оқибатида кийимни инсон фигурасида муайян туришини ёмонлаштириши ва терининг чоклар билан бириктирилган жойларининг узилишига олиб келади..

Бош кийимлар ва кийимни безатувчи кичик элементлар (ёқа, манжет ва бошқалар) учун қўлланиладиган коллаген таркибли шакл барқарорлигини таъминловчи инновацион усуллар мўйна терисининг майинлигини ва эгиловчанлигини кескин пасайтиради, бу эса уларни кийим учун қўллашни чегаралайди [90].

Кўп замонавий табиий мўйнали кийим моделларининг дизайни уларнинг пластиклиги ва драпировкаланишини таъкидлайди. Мўйнали кийимла саноат коллекцияларини ишлаб чиқаришнинг технологик ечимларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарувчилар моделларда драпировкаланиш хусусиятларини сақлаб қолиш учун катта ўлчамли оралик материаллардан фойдаланишдан воз кечмоқдалар.

Аммо, кичик юзага эга бўлган ёпишқоқ ленталардан фойдаланиш ҳам маҳсулот шаклини сақлашнинг гарови бўла олмайди, чунки эксплуатация даврида кийим бўлакларининг бир биридан ажралиши вужудга келади, бунинг натижасида эса уларнинг ташқи кўринишининг ёмонлашишига олиб келади. Кийимни бириктириш чокларининг асосий силуэт чизиқларига мос келмаслиги мўйнали кийимларнинг силуэт шаклини барқарорлигининг бузилишига олиб келади [91].

Коссигин номли МДТДУ да мўйнали кийимларнинг силуэт шаклини сақлаш учун замонавий шаклдаги каркас вариантыни таклиф этилган бўлиб, у мўйнали кийимнинг ички қатламида ўзаро перпендикуляр кесишувчан тўқимачилик ленталардан иборат Каркасининг бўйлама ва кўндаланг ленталари миқдори силуэт мураккаблигига ва маҳсулот ҳажмига боғлиқ. Мўйнали кийимнинг силуэт шаклини сақлаш учун мўлжалланган ушбу каркас ўз массасини сезиларли даражада ўзгартирмайди ва мўйнани драпировкаланиш хусусиятларига салбий таъсир кўрсатмайди [92].

Фойдаланиш жараёнида, буюмлар инсон танаси томонидан турли динамик таъсирларга дуч келади ва алоҳида жойлардаги турли интенсивликлар ҳисобига берилган шакл ўзгаради, бу ташқи кўринишини йўқотишига олиб келади [92].

Буюмларнинг шакл мустаҳкамлиги унинг яхлит ва алоҳида қисмларида танлаб олинган шаклини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш усуллари бўйича аниқланади. Шаклнинг мустаҳкамлиги буюм сифатининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади, бироқ ҳозирги вақтгача бирорта ҳам баҳолаш мезони мавжуд эмас.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, буюм конструкцияларини ҳисоблашда академик Чебишев назариясидан фойдаланилишига, ҳамда тўрсимон тузилишнинг қийшайиши конструкциянинг шакл ҳосил қилувчи параметри сифатида ишлатилиши мумкин бўлган кўп матолар мавжуд бўлган бир вақтда ҳам, мутахассислар иплар орасида бурчаклари минимал ўзгарган ёйилма олишга интиломқдалар [81].

Шунинг учун, материалларнинг буюмнинг ҳажмли шаклини ҳосил қилиши мумкин бўлган барча хусусиятлари, конструкцияларининг параметрлари сифатида фойдаланиш ва аниқлаш кийим конструкциясини лойиҳалаш услубларини ривожлантиришда истиқболли йўналиш ҳисобланади [75, 76, 77-79].

Назарий усуллар асосида ишлаб чиқилган деталларни конструкциялаш услубларининг тикув буюмларининг шакллантириш жараёнларини ва якуний НИИБ биргаликда олиб бориш имконини беради. Бу эса қаттиқ қобикли буғ-ҳаво манекенга (БХМ) кийимнинг керакли ички шаклини бериши мумкин. Бунда унинг юзасида буюмнинг берилган юзани маҳкам қоплаб олувчи бўшлиқли шаклланиши содир бўлади.

Бошқа тадқиқотчилар томонидан эса [76, 77] қаттиқ қобикда вибрацион таъсирнинг қўлланилиши шакллантириш жараёнини автоматик тарзда бошқариш учун шарт-шароитлар яратади, махсус термокамераларда ўрнатилган қаттиқ қобикли БХМнинг қўлланилиши эса нафақат матодан бўлган, балки бошқа материаллардан

(чарм, мўйна.) ҳам шакл ҳосил қилиш ва шакллантириш жараёнини интенсивлаштиришга шарт-шароитлар яратади.

Анъанавий кийим деталларини параллел ҳолда полимер қопламалар билан барқарорлаштирадиган термоелимли астарлик материалларини алмаштириш бўйича тадқиқотлар ҳам олиб борилган [83-86].

Шакл ҳосил қилиш – бу ясси ҳолатда бўлган материалларга талаб этиладиган шаклнинг бериш жараёни. Шакллантиришда юзага келадиган деформация кўриниши шакллантириш усулини белгилайди.

Буюм деталлари шаклини ҳосил қилишнинг 5 усули билан ажралиб турувчи (тортиш, қайириш, қалинлиги ҳисобидан, мажбурлаб ўтқизиш ва мато иплари орасидаги бурчакларни ўзгартириб материалларни деформациялаш) таснифланиши тикув буюмлари ишлаб чиқаришда қўлланилиши тўлиқ эмас.

Шакл бериш усули шаклланаётган деталнинг деформацияланиш турига қараб аниқланади. Турли усулларда материалларнинг тузилиши ва ўлчамларининг ўзгариши содир бўлади.

Шундай қилиб, тўқувчилик материаллари ўлчамларининг ўзгариши иплар ўртасидаги бурчаги ўзгарганда содир бўлади ва бундан асосан тикув буюмлари деталларининг шакллари ҳосил қилишда фойдаланилади. Шунинг учун, матонинг иплар орасидаги бурчакни, асос ва арқоқ иплар орасидаги бурчакни ўзгартириш қобилияти матонинг асосий шакл ҳосил қилиш хусусияти ҳисобланади [23, 25, 28, 31, 32]. Шунингдек турли хил материаллардан (нотўқима, чарм, мўйна, трикотаж ва х.к.) фойдаланиб яхлит ёки фазовий шакл бериш жараёнида юқорида келтирилган шартли усулдан фойдаланиш мумкин эканлиги тасдиқланган [34, 36, 37, 40].

АДАБИЁТЛАР:

1. Тошева, Нигора Мухиддиновна, and Нигора Шухратовна Холикова. "Золотошвейные изделия бухарских эмиров." Молодой ученый 9 (2015): 1302-1306.
2. Холикова, Нигора Шухратовна, and Мухтарама Улугбековна Нуриддинова. "Золотошвейное искусство Бухары." Молодой ученый 8 (2014): 298-301.
3. Нурлибаева, Зарина Мухитдиновна, Зебинисо Нуриллаевна Турсунова, and Нигора Шухратовна Холикова. "Изучение технологического процесса влажно-тепловой обработки деталей одежды с целью дальнейшего улучшения их формоустойчивости." Молодой ученый 7 (2015): 185-187.
4. Холикова, Нигора Шухратовна, and Сабохат Усмоновна Пулатова. "Разработка нового ассортимента и технологии верхней женской одежды из каракуля." Евразийский журнал медицинских и естественных наук 2.5 (2022): 268-272.
5. Холикова, Нигора Шухратовна. "МАРКЕТИНГОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПОТРЕБИТЕЛЬСКОГО СПРОСА ДЛЯ ПРОЕКТИРОВАНИЕ ЖЕНСКИХ ВЕРХНИХ МЕХОВЫХ ИЗДЕЛИЙ." Современные инженерные проблемы в производстве

товаров народного потребления 29 (2019): 141.

6. Холикова, Нигора Шухратовна. "АНАЛИЗ МЕХОВЫХ ИЗДЕЛИЙ." Educational Research in Universal Sciences 2.4 (2023): 335-339.

7. Холикова, Нигора Шухратовна. "ХАРАКТЕРИСТИКА ПРОЕКТИРОВАНИЯ ЖЕНСКИХ ВЕРХНИХ МЕХОВЫХ ИЗДЕЛИЙ." Educational Research in Universal Sciences 2.4 (2023): 331-334.

8. Холикова, Нигора Шухратовна. "Моделирование и конструирование изделия из меха." Молодой ученый 14 (2017): 151-152.

9. Холикова, Нигора Шухратовна, and Мухиддин Махмудович Истамов. "Принципы и методы художественного проектирования меховых изделий." Молодой ученый 9 (2016): 327-330.

10. Холикова, Нигора Шухратовна. "Общие требования к художественному проектированию одежды из меха." Молодой ученый 7 (2016): 208-211.

11. Холикова, Нигора Шухратовна. "Общие конструктивные особенности меховых изделий." Молодой ученый 9 (2016): 330-332.

12. Холикова, Нигора Шухратовна. "Моделирование и проектирование меховой одежды." Молодой ученый 14 (2017): 152-154.

13. Холикова, Н. Ш., and И. И. Ибодова. "РАЗВИТИЕ РЫНОЧНЫХ ТЕНДЕНЦИЙ ПУШНО-МЕХОВЫХ ТОВАРОВ И ИЗУЧЕНИЕ ИХНИЕ СВОЙСТВА." Вестник магистратуры 6-1 (117) (2021): 15-16.

14. Холикова, Н. Ш., and И. И. Ибодова. "СВОЙСТВА И ОСОБЕННОСТИ МЕХА В ПРОЕКТИРОВАНИЕ ОДЕЖДЫ." Вестник магистратуры 6-1 (117) (2021): 17-18.

15. Холикова, Н. Ш., and О. У. Каримов. "Основы совершенствования тенденций формирования женских верхних меховых изделий." Вестник магистратуры 4-3 (2019): 42.

16. Холикова, Н. Ш., and О. У. Каримов. "Характеристика исходных данных для проектирования женских верхних меховых изделий." Вестник магистратуры 4-3 (2019): 37.

17. Холикова, Н. Ш., and С. Б. Баходиров. "Анализ потребительских предпочтений меховых изделий в мировом рынке." Вестник магистратуры 4-3 (2019): 39.

18. Xoliqova, Nigora, and Sabohat Pulatova. "QORAKO 'L TERIDAN KIYIMLARNI TAYYORLASHDA RANGNING AHAMIYATI." Interpretation and researches 2.3 (2023).